

Ҳар бир сажда олдидан зийнатланиш бош кийим кийиш...



16:36 / 02.12.2017 9958

Масжид шундай мўътабар маскандирки, эвазига жаннатда қасрлар бино бўладиган табаррук манзилдир. Шунинг учун динимизда масжидларга оид махсус одоблар, ҳуқуқ ва масъулиятлар жорий қилинган. Бугун сизлар билан ана шу ҳақ ва одоблар ҳақида суҳбат қиламиз.

Биринчиси. Масжид Аллоҳнинг уйидир, унда Аллоҳга ибодат қилинади. Масжид сари қадам қўйган киши аввало имкон борида зийнатланиши керак. У кимнинг уйига боряпти? Оддий бир инсон меҳмонга чақирса ҳам қанчалик тайёргарлик кўриб, чиройли кийимларни кийиб, хушбўйланиб борамиз. Масжидга ҳам худди шундай – покланиб, уст-бошни тартибга солиб, хушбўйланиб бориш мустаҳабдир, чунки Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Аъроф сурасида «Эй одам болалари! Ҳар бир сажда олдидан

зийнатланингиз» деб марҳамат қилади. Шу оятдан келиб чиқиб, намоз ўқимоқчи бўлган одам тоза ва чиройли кийиниши лозимдир. Жумладан, бош кийим кийиш ҳам намознинг одобларидандир. Ҳанафий уламолар намозни бош кийим билан ўқиш қоидасини шу оятдан келтириб чиқарганлар. Зеро, бош кийим ҳар бир миллатда, ҳар бир элатда зийнат ҳисобланган. Илгарилари кўчага бош кийимсиз чиқилмаган, тўйга борилса албатта бош кийим кийилган. Ота-оналар фарзандларини тўйга олиб борса, бошига янги дўппиларини кийгизиб, кейин олиб борганлар. Нафақат тўйга, балки ҳар қандай эътиборли жойга борилса, дўппи кийиб бориш бизнинг маданиятимиз бўлган. Ҳамма миллатда ҳам худди шундай. Бош кийим доим зийнат ҳисобланади. Аллоҳ таоло намоз вақтида зийнатланиб олинглар деяпти, шунинг учун бош кийим билан намоз ўқиш мустаҳабдир, бош кийимсиз намоз ўқиш эса бизнинг мазҳабимизда макруҳдир. Аммо кимдир тавозе кўрсатиб, ўзини хокисор тутиш ниятида бўлса, бундай ниятда бош кийимсиз намоз ўқиш макруҳдан хориж дейдилар. Шунингдек, баъзи уламоларимиз «Қайси бир жойларда бош кийимсиз юриш урфга айланиб қолган бўлса, масжидга бош кийимсиз кириб қолган одамнинг намоз ўқиши макруҳ эмас», дейишган. Табиийки, бундай одамнинг бошида ҳам, чўнтагида ҳам бош кийими йўқ, шунинг учун бу ҳолат истиснодир. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам бош кийим билан намоз ўқиш афзалдир, чунки динимизда намозни бош кийим билан ўқиш мадҳ қилинган.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ

Юнусобод тумани бош имом-хатиби,

Тошкент Ислом Институти ўқитувчиси,

«Мирза Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби